

## Ўзбекистон Республикасида Гумондор Шахсларни Тинтув Қилиш Пайтида Ҳуқуқларини Таъминлаш Ва Уларнинг Манфаатларини Кафолатлаш

Ермекбаев Баўыржан

Қорақалпоқ давлат университети

**Аннотация:** Мамлакатимизда шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш йўналишида изчил ва самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Конституциямизнинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Албатта, бошқа қонун ҳужжатларига ҳам мазкур конституциявий норма руҳияти сингдирилган. Шу билан биргаликда, бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўяётганини биз ўзимизга, албатта, яхши тасаввур этамиз [1, 23].

**Калит сўзлар:** демократия, умуминсоний принциплар, суд-ҳуқуқ тизими.

Ушбу мақсадга эришишда суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим ва устувор йўналишларидан бири бўлган жиноят-процессуал қонунчиликни ислоҳ этиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Маълумки, суд-ҳуқуқ ислохотлари тизимида кўпгина ҳуқуқий институтлар тубдан янгиланди: айримлари Ўзбекистон Республикаси жиноят процессига илк мартаба киритилди, бошқалари эса, қайта тикланди ёки соддалаштирилди.

Жиноят процессида тинтув ёки олиб қўйиш жиноят иши бўйича далилларни олишга, қидирилаётган шахсларни, шунингдек мурдаларни топишга, мол-мулкни хатлашга қаратилган тергов ҳаракатлари ҳисобланади. Бу тергов ҳаракатларининг ҳар бири сиртдан қараганда содда бўлиб туюлса-да, кўш хусусият – хусусийлик ва тизимлилик билан тавсифланади.

Тинтув ёки олиб қўйиш ўтказишда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари тизимини билиш, энг аввало, унинг мазмунини, унга бўлган объектив эҳтиёжни ҳамда унинг моҳиятини англаб етишни назарда тутати.

Қўйилган масалани тадқиқ этганда “шахс ҳуқуқлари”, “шахс қонуний манфаатлари”, “шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари” ва “шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тизими” тушунчаларининг мазмунига ойдинлик киритиш талаб этилади. Бу атамалар юридик фанларининг, шу жумладан жиноят процессининг энг муҳим тушунчалари қаторига киради, улар тинтув ёки олиб қўйиш ўтказишда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш муаммосини илмий таҳлил қилиш учун замин яратади. Юридик адабиётларда мазкур тушунчаларнинг кўп сонли таърифлари илгари сурилади. Бу табиий бир ҳолдир: олимлар ва мутахассислар бу муҳим муаммони фаол тадқиқ этадилар.

Шахс қонуний манфаатлари – бу унинг ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган талаб ва эҳтиёжлари. Ю.С.Завьялов фикрига кўра, “юридик аҳамиятга эга бўлган қонуний манфаатлар сифатида фақат у ёки бу субъект (индивид, ишлаб чиқариш жамоаси ва ҳ.к.)нинг ижтимоий зарур эҳтиёжларини қондириш, таъминлашга хизмат қиладиган, рўёбга чиқарилишини жамият ва давлат зарур деб ҳисоблайдиган манфаатлар эътироф этилиши мумкин, бинобарин, бу эҳтиёжлар қонунда акс эттирилган” [2,10]. Манфаат – ижтимоий муносабатларда иштирок этувчи барча шахсларнинг бевосита майллари, мотивлари, ғоялари ва ҳоказоларни белгиловчи омил. Бу борада Ғ.Шодиев қуйидагича фикр билдиради: “шахснинг қонуний манфаатлари – бу унинг ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган талаб ва эҳтиёждир” [3, 131-135]. Инсон ҳуқуқи одамларнинг манфаатлари амалга ошириладиган ва улар ўзининг жамулжам ифодасини топадиган шакл ҳисобланади. Бундан ҳуқуқларнинг мустақиллиги ҳақидаги тасаввур келиб чиқади. Амалда ҳуқуқлар гўёки одамларнинг манфаатлари билан белгиланмагандек ва давлатнинг эркин ҳуқуқ ижодкорлиги маҳсулидек бўлиб туюлади.

Кафолатлар – бу тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш сингари тергов ҳаракатларини юритишда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини оғишмай рўёбга чиқариш имконини берувчи шароитлар ва усуллар йиғиндиси. Конституция нормаларининг соҳа-тармоқ қонунчилиги мажмуи билан бирга қўлланилиши инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи ўрин тутади, чунки “шахснинг ҳуқуқий ҳолати мазмунини нафақат муносабатларни тартибга солувчи конституциявий нормалар, балки ҳаётнинг турли жабҳаларидаги шахснинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланадиган барча ҳуқуқ соҳалари меъёрлари билан тартибга солинади” [4,4]. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жинойт процессининг ҳар қандай босқичида таъминлаш энг долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади [3,132]. К.Б.Толкачев таъкидлаганидек, “Ғайриқонуний тинтув ўтказиш натижасида бузилган шахсий ҳаёт сирини тиклаш, яъни ошкор бўлган маълумотга қайта сир тусини бериш мумкин эмас” [5,115]. С.Н.Мамадиев бу ҳақда “Бундай шароитда шахсга етказилган маънавий зарар моддий маблағлар ёрдамида маълум даражада қопланиши мумкин” [6,38], деб ёзади.

Жинойт процессида шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари тўғрисидаги масала энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Уни тадқиқ этишга Ю.Н.Белозеров, Н.В.Витрук, Э.Ф.Куцова, В.З.Лукашевич, В.М.Савицкий сингари тадқиқотчилар салмоқли ҳисса қўшганлар [7, 43].

Тинтув ёки олиб қўйиш ўтказишда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг реал кафолатлари тўғрисида қайси белгиларга кўра хулоса чиқариш мумкин? Бизнингча, бундай белгилар қаторига қуйидагилар киради: кўрсатилган тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг мазкур ҳуқуқлари ва манфаатларини рўёбга чиқариш ҳамда уларни ҳимоя қилишнинг давлат томонидан махсус яратилган воситалари ва усулларини қўллаш учун объектив шарт-шароитлар яратиш.

“Тизим” тушунчасига келсак, адабиётларда унинг кўп сонли таърифларига дуч келиш мумкин. Масалан, В.Н.Садовский мазкур атаманинг қирққа яқин таърифини келтиради, уларнинг орасида кўпчилик бу атамани “яхлитлик”, “элемент” сингари тушунчалар орқали таърифлайди [8, 92-102]. Бироқ одатда тизим деганда, унинг фаолияти мақсадларига эришиш учун бир-бири билан ўзаро алоқаларга киришадиган, бир-бири билан боғланган компонентлар йиғиндиси тушунилади.

Тинтув ёки олиб қўйишда тинтув қилинаётган шахсга нисбатан мажбурлаш етакчи элемент сифатида амал қиладди. Кўпгина тадқиқотчилар ҳатто бу элементни мазкур тергов ҳаракатларининг тавсифига киритадилар. “Тинтув – бу жинойтни фош қилиш учун далил аҳамиятига эга бўлган яширилган ашёлар ва ҳужжатларни қидириб топиш ва олиб қўйиш мақсадида объектлар ва айрим фуқароларни текширишга қаратилган мажбурий тергов ҳаракати” [9, 313].

В.П.Божьев тахрири остидаги “Жиноят процесси” дарслигида қайд этилишича, тинтув иш учун аҳамиятга эга бўлган ашёлар ва ҳужжатларни қидириб топиш ва олиб қўйиш мақсадида бино, иншоот, жой ҳудуди ёки фуқарони мажбурий текширишни ўзида ифодалайди. Тинтув қидириладиган шахслар ва мурдаларни топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин [10,294–295]. Табиийки, тинтувнинг бундай хусусияти фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши учун имконият яратади.

Қидириладиган объектлар тинтув қилинувчининг кийими ёки танасида экани тахмин қилинганда ўтказиладиган шахсий тинтувда тинтув қилинувчининг ҳуқуқлари айниқса камситилиши мумкин. Шахсий тинтув ЖПКнинг 157–161-моддаларида кўрсатилган қоидалар асосида ўтказилади. Терговчига етарли асослар мавжуд бўлган ҳолда тинтув пайтида тинтув ўтказиладиган квартирага келган шахсларга нисбатан ҳам шахсий тинтув ўтказиш ҳуқуқи берилган.

Умумий қафолатларнинг барчаси тинтув ёки олиб қўйиш ўтказишда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бундан ташқари, мазкур тергов ҳаракатларида қафолатларнинг фақат уларгагина хос бўлган у ёки бу тури мавжуд бўлади. Тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш ҳам жамиятда алоҳида функцияларни бажаргани боис, улар шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қафолатларининг алоҳида тизимига эга.

Ижтимоий муносабатларнинг демократик мазмунидан келиб чиқадиган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг жамиятдаги умумий қафолатлари тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш шароитида мазкур тергов ҳаракатларининг хусусиятларини касб этади, уларга хос бўлган алоқалар тизимига қўшилади. Натижада тинтув ёки олиб қўйиш ўтказишда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қафолатлари тизими алоҳида муносабатлар амал қилади. Бу тергов ҳаракатларининг ҳар бирида шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қафолатларининг умумий ва ўзига хос жиҳатлари намоён бўлади. Тинтув ёки олиб қўйиш ўтказишда терговчилар ва суриштирув ўтказувчи шахсларнинг вазифаси умумий ва хусусий жиҳатларнинг оқилона уйғунлигига эришишдан иборат.

Бунга фақат қуйидаги шартларга риоя этиш орқали эришиш мумкин:

умумий қафолатларнинг хусусий қафолатлар билан узвийлигини таъминлаш. Акс ҳолда юзаки муносабат, расмийчилик, муайян ҳаёт ва муайян шахслардан узилиш учун имконият пайдо бўлади;

хусусий қафолатларни мутлақлаштирмаслик, уларни умумий қафолатлар доирасида амалга ошириш, уларнинг доирасидан четга чиқмаслик, уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаслик;

тинтув ёки олиб қўйиш ўтказишда терговчилар ва суриштирув органлари фаолияти ҳам умумий, ҳам хусусий қафолатларни ҳисобга олишдан келиб чиқиши лозим.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 23.
2. Завьялов Ю.С. Проблемы интереса в марксистской теории социалистического права: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1968. – С. 10.
3. Шодиев Ғ. Жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида суд назоратининг объекти сифатида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари // Суд – ҳуқуқ ислохотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2007, - Б. 131-135.

4. Якубович Н.А., Батищева Л.В. Охрана конституционных прав личности на предварительном следствии: Методическое пособие. - М.: ВНИИ проблем укрепления законности и правопорядка, 1991. - С. 4.
5. Толкачев К.Б. Методологические и правовые основания реализации личных конституционных прав и свобод и участие в ней органов внутренних дел: Монография. – СПб., 1997. – 115-б.
6. Мамадиев С.Н. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б.38.
7. Белозеров Ю.Н., Марцифин П.Г. Обеспечение прав и законных интересов личности в стадии возбуждения уголовного дела. Учебное пособие. – М., 1994. – Б.43.
8. Садовский В.Н. Основания общей теории систем. – М., 1994. – С. 92–102.
9. Антонян Ю.М., Еникеев М.И., Эминов В.Е. Психология преступника и расследования преступлений. – М., 1996. – С. 313.
10. Уголовный процесс. Учебник. Под общ. ред. В.П.Божьева. – М., 1998. – С. 294–295.